

ПРЕЦЕДЕНТ ФЕНОМЕНИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАБИАТИ

Махфуза Равшановна АРТИКОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ПРЕЦЕДЕНТНОГО ФЕНОМЕНА

Махфуза Равшановна АРТИКОВА

Преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкент, Узбекистан

LINGUOCULTURAL NATURE OF THE PRECEDENT PHENOMENON

Makhfuza Ravshanovna ARTIKOVA

Teacher

Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 81.1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Артикова М. Р. Прецедент феноменининг
лингвомаданий табиати//
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. —
№ 3 (38). — Б.77-92.
<https://doi.org/10.36078/1624860161>

Received: April 15, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific
Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада прецедент феноменининг лингвомаданий хусусиятлари ўзбек ва испан тилидаги газеталар матни мисолида таҳлил қилинган. Прецедентлик тилшунослик соҳасида тадқиқот объекти сифатида хизмат қилган бўлса ҳам, шу кунгача ўзбек ва испан газеталари матни мисолида чоғиштириб ўрганилмаган. Мақолада прецедент ном, матн ва ходиса билан бир қаторда, ибора, мақол, матал, ҳикматли сўз каби барқарор бирикмалар, шиорлар, тарихий ва замонавий шахслардан иқтибосларнинг прецедент ифода сифатида ҳар икки мамлакат газеталари матнида қўлланилиши ўрганилиб, ўзбек ва испан журналистлари тили ва менталитетидаги ўхшаш ҳамда бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи жиҳатлар кўрсатиб берилган. Ўзбек журналистикасида хос бўлган тарихий шахслар номига эҳтиром кўрсатиш, аждодларни хотирлаш, уларнинг асарларидан иқтибос келтириш, шукроналик ҳисси, миллий урф-одатларга содиқлик аънаналари, испан газеталаридаги замонанинг машҳур шахсларига бўлган эътибор, миллат характерида хос бўлган кувноклик, яхшилиққа ишонч каби хусусиятларнинг таҳлили шулар жумласидандир.

Калит сўзлар: лингвомаданият; прецедент ном; прецедент ифода; прецедент матн; прецедент ходиса; ўзбек ва испан газета матнлари.

Аннотация. В статье на примере узбекских и испанских газетных текстов проанализированы лингвокультурологические особенности феномена прецедентности. Несмотря на то что в сфере лингвистики прецедентность рассматривается как объект изучения, до сих пор не проводились исследования, посвященные сопоставлению газетных текстов на узбекском и испанском языках. В статье на основе на текстов газет, выпускаемых в Узбекистане и Испании, прецедентность исследована не только как имя, текст, ситуация, но и изучено использование таких прецедентных высказываний, как фразеологизм, пословица, поговорка, устойчивые словосочетания — изречения, лозунги, цитаты исторических и современных личностей. Раскрыты схожие

или отличительные аспекты языка и менталитета узбекских и испанских журналистов. В частности, присущие для узбекской журналистики почтительное отношение к историческим личностям, памяти предков, их цитирование, чувство благодарности, традиции преданности национальным обычаям, а также характерные для испанской журналистики особое отношение к знаменитым личностям, присущая национальному характеру жизнерадостность, вера и добро.

Ключевые слова: лингвокультурология; прецедентное имя; прецедентное высказывание; прецедентный текст; прецедентная ситуация; тексты узбекских и испанских газет

Abstract. The linguistic and cultural features of the phenomenon of precedence using the example of Uzbek and Spanish newspaper texts are analyzed in the article. Even though precedence in linguistics is considered as an object of study, so far no studies have been conducted on the comparison of newspaper texts in Uzbek and Spanish. The precedent in the article, based on the texts of newspapers published in these two countries, is studied not only as a name, text, situation, but also the use of such precedent statements as phraseological units, proverbs, sayings, stable phrases like dictums, slogans, quotations from historical and modern personalities are researched. And based on this, similar or distinctive aspects of the language and mentality of Uzbek and Spanish journalists are revealed. In particular, the respectful attitude to historical figures, the memory of ancestors inherent in Uzbek journalism, the citation of quotations from their works, the feeling of gratitude, the tradition of devotion to national customs, as well as the special attitude to famous personalities characteristic of Spanish journalism, the cheerfulness, faith and goodness inherent in the national character.

Keywords: linguoculturology; precedent name; precedent statement; precedent text; precedent situation; texts of Uzbek and Spanish newspapers

Кириш. Тил тизимини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш турли халқлар тилларининг миллий-маданий хусусиятларини очишга хизмат қилади.

1986 йилда Ю. Н. Караулов томонидан ҳуқуқшунослик соҳасида қўлланган “прецедент” атамасининг тилшуносликка кириб келиши (4, 98–107) тилшунослик соҳасида тадқиқотлар олиб боришнинг янги йўналишига асос солди. Прецедент феноменининг муайян тилнинг лингвомаданий табиатини баҳолашдаги роли бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганила бошланди.

Ушбу мавзуни ўрганишда россиялик олимлар етакчилик қилса-да, бу масала ўзбек тилшуносларини ҳам бефарқ қолдирмаган. Жумладан, ўзбек тилшуноси Д. С. Худойберганова “Матннинг антропоцентриқ тадқиқи” номли монографиясида (9, 34) прецедент бирликларни тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан ҳисобланган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири сифатида келтиради. Прецедент бирликлар ҳақидаги назария тилшуносликда прецедент ҳодисалар тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлганлигини таъкидлаш билан бирга “тил эгаларига яхши таниш бўлган, уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилишини таъкидлайди.

Д. М. Тешабаева “Оммавий ахборот воситалари тилини нутқ маданияти аспектида тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертациясида “газетада прецедентлик тушунчасига баъзан “ўтмиш” ҳамда “келажак” ўртасидаги “маданият кўприги” деб ҳам таъриф бериб, прецедент матн вазифасини ўтовчи сўз ҳамда иборалар бугунги кунга дахлдорлиги билан бирга, қадимдан, ота-боболардан мерос бўлиб келаётган бўлиши ҳам мумкин”, — дея таъкидлайди (8, 65).

Асосий қисм. Прецедент феномени кўлланиш турига кўра прецедент ном, ифода, матн ҳамда ҳодиса каби гуруҳларга бўлинади.

Матннинг бирон-бир қисмига мазкур миллат маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган намояндаларнинг номлари киритилиши матн муаллифнинг қай даражада билимга эгалиги, қайси миллат вакили экани, тарихий-маданий келиб чиқиши қандайлигини билдириб туради. Жумладан, газета саҳифаларида прецедент номдан фойдаланишда айнан қайси жой номига, соҳа вакилларига ёки қайси қаҳрамонларга тўхталиши мазкур миллатнинг миллий-маданий бойлиги, газета нашрининг йўналиши ҳамда қайси анъаналар воситасида фаолият олиб боришидан далолатдир.

Е. А. Нахимова прецедент ном деганда “кенг жамоатчиликка яхши таниш бўлган атоқли отлар”ни тушуниб, шундай ёзади: “Прецедент номлар аниқ бир шахс исми ёки фамилияси, шахар ёки турли ташкилот номлари бўлиши мумкин. Атоқли отлар прецедент бўлиши учун эса маданий белгига эгалиги, маълум бир сифат тимсоли бўлиши, ҳамма учун таниш воқеа-ҳодисани ёки маълум кишининг тақдирини эслатиши талаб этилади” (6, 3).

Муайян жамият аъзолари учун яхши таниш бўлган адабиёт намуналаридаги қаҳрамонлар исмлари (масалан, ўзбекларда Отабек ва Кумуш) ёки тил ташувчиларига яхши таниш бўлган воқеаларга алоқадор шахслар (Беруний ёки Христофор Колумб) ёхуд тарихда чуқур из қолдирганларнинг (ўзбекларда Амир Темур, Алишер Навоий, Камолитдин Бехзод, испанларда Сервантес, Пикассо, Дали) номлари газета матнига сингдирилган ҳолда прецедентлар ҳисобланади. Қолаверса, мазкур номлар миллатнинг тарихий билимлари даражасини акс эттиради.

Прецедент турларидан ҳисобланган прецедент номлар– муайян жамият аъзоларининг барчасига таниш бўлган жойлар, ўтмишда ёки ҳозирда қандайдир юксак эътирофга сазовор ишларни амалга оширган машҳур кишилар, жумладан, сиёсатдонлар, иқтисодчилар, санъаткорлар, спортчилар ёки бадиий, кино асарлари қаҳрамонлари ва бошқалар номларининг журналист томонидан газета матнида қўлланилишидир. Прецедент номлар “эквиваленти бўлмаган лексика” ҳисобланади.

Бунда атоқли отлар ва номлар тушунилиб, улар бошқа тилда сўзлашувчиларга нотаниш бўлмайди, аммо ўта миллий хусусиятга эга ҳисобланади (7, 37).

Демак, прецедент номлар бир тилдан бошқа тилга нафақат таржима қилинмайди, балки журналист қайси тилда ижод қилаётган бўлса, ўша тилда сўзлашувчилар миллатининг ўзига хос миллийлик хусусиятларини бошқа тилга ташиб ҳам ўтади.

Қуйидаги мисоллар ёрдамида прецедент ном ва унинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилиш мумкин: “Самарқанднинг Регистон майдони, **Бибихоним масжиди**, **Амир Темур мақбараси**, *Шоҳизинда мажмуи*, *Бухоронинг Минораи калони*, *Арк қалъаси*,

Сомонийлар мақбараси, Лаби ҳовузи, Хиванинг Ичанқалъаси” (“Халқ сўзи”, 22.09.11).

Мазкур мисолларда журналист Ўзбекистоннинг энг машҳур тарихий обидалари номларини санаб ўтганининг гувоҳи бўламиз. Эътибор қаратадиган бўлсак, айнан жой номларини тилга олганда бевосита буюк бобомиз Амир Темур ёки у кишининг завжаси Бибихонимларнинг исмлари неча асрлардан буён тилга олиб келинмоқда. Бу эса Шарқ халқларига хос тарихий анъаналарнинг, мозийда ўзининг хизматлари билан ном қолдириб кетган аجدодларнинг ҳурматини ханузгача ўз жойига қўйилишидан далолатдир.

“*Бугун бу ерда “Сен ёлғиз эмассан” халқаро болалар хайрия...*” (“ХС”, 22.09.11) “Сен ёлғиз эмассан” фильми ҳар бир ўзбек хонадонига таниш бўлиб, унда ўзбек халқининг нақадар болажонлиги, қалби меҳрга тўлаллиги, энг оғир дамларда ҳам бағрига қайси миллат ёки элатларнинг вакили бўлишидан қатъи назар болаларни ўз бағрига олиши кўрсатилган. Тадбир номини айнан мазкур фильм номидан олингани ҳам кишиларимиз онгига сингиб кетган кадрляртларнинг, анъаналарнинг бир кўринишидир.

“*Соҳибқирон қабр тошининг сирини*” (“Даракчи”, 13.10. 11); “*Умар Ҳайёмнинг тақвими*” (“Даракчи”, 13.10. 11). Ўзбек халқи тарихи, санъати, адабиётини тушунмаган ҳолда матбуот нашрларимиз ўқилса, ким экан у Соҳибқирон, деган савол туғилиши табиий. Аммо бугунги кунда мамлакатимизда тарбия топаётган ёшгина болакай ҳам Соҳибқирон деганда ўзбек саркардаси, шоҳи Амир Темурни назарда тутилишини жуда яхши билади.

Умар Ҳайёмнинг тарихда қолдирган чуқур фалсафаси ханузгача кадрлаб келинмоқда, қуйидаги мисолда буюк бобокалонларнинг миллий байрамларимиз номини, улар билан боғлиқ анъаналаримизни сақлаб қолиш йўлидаги қилган ҳаракатлари ҳам ёдга олинади: “*Соҳибқироннинг кейинги авлодлари, жумладан, Ҳусайн Бойқаро замонасида ҳам Наврўз ҳақиқий оммавий байрам...*” (“ЎЗАС”, 18.03.11) кабилардир.

Шу ўринда халқимизнинг энг оғир дамларда ҳам миллий ўзига хослигини, маданиятини сақлаб қолишга уринганлигини газета матнларидан олинган ушбу парчада ҳам кўриш мумкин: “*У яширинча бўлса-да, Маширабни ҳам, Қодирийни ҳам ўқиб юрди*” (“ЎЗАС”, 18.03.11). Аввалги мисолларда аждодларимизнинг номлари билан аталган жойлар тилга олинган бўлса, бу мисолда уларнинг ўз номларига мурожаат этилади.

“*Лайли ва Мажнун*” (“Даракчи”, 13.10.11); “*Искандар Зулқарнайннинг жавоби*” (“Даракчи”, 13.10.11). Юқоридаги мисолларда тарихий образлар номи акс эттирилган. Масалан, “Лайли ва Мажнун” номини эшитганда жамиятимизга мансуб бўлган кишининг кўз ўнгида буюк муҳаббат тимсоли гавдаланади.

Ғарбдаги муҳаббат тимсоли Ромео ва Жуюлетта ҳисобланса, Шарқда Лайли ва Мажнун образларида ошиқликнинг олий ифодаси акс этган. Алишер Навоий талқинидаги Лайли ва Мажнун шунчалик покиза муҳаббат тимсолики, уларнинг образида шарқона ибто-ҳаё, нафосат ва садоқат намоён бўлади. Искандар Зулқарнайн образи эса Шарқда матонат, жасурлик ва одиллик тимсоли саналади.

Прецедент ном сифатида кўпчиликка таниш бўлган ташкилотлар, мусобақалар ва бошқалар ҳам келтирилиши мумкин: “*Умид ниҳоллари*”, “*Баркамол авлод*”...” (“Халқ сўзи”, 8.12.11).

Газета матнидан олинган мазкур парчада Ўзбекистонда мунтазам ўтказиб келинган болалар ўртасидаги спорт мусобақаларига ишора этилаётганини ҳаттоки шу қисқа сатрлардан ҳам тушуниб олиш мумкин бўлса, *“Нихол” кимларга насиб этди?* (“Даракчи”, 25.08.11) жумласидан маданият соҳасидаги, *“Нукусда “Зулфия” мукофоти учун ўтказилаётган танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди”* (“Халқ сўзи”, 26.11.11) каби сатрларда эса турли соҳаларни қамраган миллий мукофот танлови тўғрисида сўз бораётгани шу жамиятда яшаётган кишиларнинг барчаси учун яхши тушунарли бўлади.

Шунингдек, ўқувчига ҳеч бир тушунтиришларсиз ким ҳақида сўз кетаётганини билдириб турувчи атоқли отлар ҳам прецедент ном ҳисобланади: *“...она тупроғидан айро тушиб, олис ўлкаларда армон билан дунёдан кўз юмган ватандошларимиз озмунчами? Бунга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машираб, Зокиржон Фурқат сингари буюк бобокалонларимиз қисмати мисол бўла олади”* (“Даракчи”, 15.08.13); *“ЗУЛФИЯ хонимнинг ёшулли оғаси”* (“Хуррият”, 3.03.21).

Прецедент ном асосан прецедент матн билан биргаликда газета саҳифларида учрайди:

“Ҳайдар Жомийнинг сермахсул ижоди ҳақида гапирар экан, “Нафаҳот ул-унс” асари давр машойихлари ҳақидаги қимматли асарлигини қайта-қайта зикр этади. Хуросондаги шуаро зикри ҳақида сўз юритар экан, уларнинг саромади Абдураҳмон Жомий эканлигини таъкидлайди ва “агар такрорга эътироз бўлмаса эди, олимлар ва шоирлар ҳақидаги фаслни Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг муборак номи билан бошлаш ўринли бўларди, шунингдек, Хуросон авлиёлари, олимлари, шоирларининг сардафтари ҳам Мавлоно Жомийдир”, дейди (“ЎЗАС”, 11.02.11);

Шу ўринда айтиш керакки, испан матбуот саҳифларида келтирилган прецедентлар тарихий аҳамият касб этмайди, яъни бугунги кун кишиларининг, жумладан сиёсатдонларнинг номларидир.

“Quien sube al trono está obligado a hacer suyas las palabras del príncipe Hal: “Bien sabe el cielo, y el mundo dará cuenta de ello...”. Si ocurrió con Aznar” (“El mundo”, 21.07.13).

Бир қатор олимлар келтирган таърифларга кўра, “Прецедент ном прецедентлик қондасига мос тарзда кўпчиликка маълум булган матн билан бевосита алоқадор индивидуал номдир; бу ўз навбатида мураккаб белги бўлиб, коммуникация жараёнида референтга эмас, балки прецедент номнинг дифференциал жамланмасига апелляция ҳисобланади” (3, 83).

Дифференциал белгилар уларни бошқа предметлардан ажратиб кўрсатадиган маълум характеристикалардан ташкил топгандир. “Прецедент номнинг дифференциал белгилари тизими турли даражадаги тузилмаларга эгадир” (5, 80).

Ҳозирги кунда прецедент номнинг дифференциал белгиларини ташкил этувчи элементларнинг аниқ ва тўлиқ «жамланмаси» аниқлаштирилмаган бўлса-да, прецедент номнинг қабул қилиниши инвариантлигини ажратиб кўрсатувчи бир қатор характерли гуруҳларга ажратилган.

Уларга қуйидагилар киради:
 предметнинг ташқи кўриниши;
 характер чизгилари;

прецедент вазияти (2, 201).

Булардан ташқари прецедент номга маълум бир кишиларга тегишли бўлган элементар белгилар ҳам киради. Масалан, Наполеоннинг паст бўйли бўлгани, Пушкиннинг бакенбарди ва ҳоказо. Айнан мана шу элементлардан анекдотларда, карикатураларда ҳамда киномотографияда кўп фойдаланилади.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълумки, ўзбек газеталарида асосан тарихий шахслар, етук бадий асар қахрамонларининг номларидан прецедент ном сифатида фойдаланилади. Бу эса ўзбек халқининг ўзигагина хос бўлган миллий характери, дунёқараши, анъаналари ҳақидаги ахборот ҳамдир.

Ўзбек газеталаридан фарқли ўлароқ испан газеталарида дунёнинг (айниқса, АҚШ ҳамда Европанинг) турли мамлакатларида фаолият юритаётган таниқли шахслар фаолиятининг ҳар бир жиҳати тўғрисида таҳлилий мақолалар бериб борилади. Бу эса испан журналистикаси миллийликдан узоқлашиб, умуминсоний тамойиллар асосида яшашидан далолатдир.

Бу эса бошқа Европа давлатлари каби Испанияда ҳам глобаллашувнинг оқибатлари сифатида кўринмоқда. *“Joe Biden no pasará a la historia como el presidente que ganó la guerra más larga de la historia de Estados Unidos, sino como el que la terminó (“El país” 14.04.21)* жумласида прецедент ном сифатида АҚШ Президенти Байденнинг Афғонистондаги урушни тугатган раҳбар сифатида тарихда қолиши айтилмоқда. Испан газета саҳифаларида кино, мультфильм, янги бадий асарлар (ўзбек газеталаридан фарқли равишда испан газеталарида фақатгина замонавий адабиёт намуналари номлари кўп тилга олинади, бироқ ўтмишдаги буюк асарлар қаламга олинмайди) ва уларнинг қахрамонлари номларига жуда кўп тўхталиб ўтилади. Масалан: *“Mario Casas y Antonio de la Torre, de charla en Sevilla. Mario Casas, que tiene miles de fans especialmente tras el éxito hace dos años de Tres metros sobre el cielo, de Fernando González Molina...”* (“El país”, 27.03.12) мазкур мисолда “Осмон устида уч метр” номли испаниялик киномотографлар томонидан суратга олинган фильм ва унинг қахрамони Аче образини гавдалантирган Марио Касас ҳақида сўз бормоқда.

Бутун дунё кино ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинган мазкур фильм ҳақида Испания газеталарида юзлаб материаллар чоп этирилди. Бироқ бу ҳақдаги ахборотларнинг эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, уларда фильм бош қахрамонларидан Аченинг фаолияти, суҳбатлари ва бошқалар бериб борилиб, Баби ролини ижро этган қиз ҳақида деярли маълумот берилмайди. Бунга сабаб қилиб испанларга хос қизикқонлик (қахрамон қизни йигитга нисбатан ноҳақликда айблаб, уни буткул инкор этиш) ҳамда бугунги кунда авж олган “мачизм”ни келтириш мумкин. Навбатдаги мисолда эса ўша дунёда машҳур махфий агент Жеймс Бонд ҳақидаги фильмнинг 50 йиллиги ҳақида хабар берилади: *‘Skyfall’, en el 50 aniversario de James Bond (“El país”, 21.05.12)*. Испан киномотографияси ҳам анча бой тарихга эга. Бироқ испан газеталаридаги маданият хабарлари орасидан улар ҳақида маълумот топиш, бу каби кино номларининг прецедентлар сифатида қўлланилишини кузатиш мушкул.

Ушбу мисол ҳам испан газеталарининг умумийлик тамойилида иш олиб боришидан далолатдир: *“...se convertía en la sagada Hurry Potter, la más...”* (“ABC”, 9.12.11).

Прецедент номга айланиб улгурган мультфильмлар номларини қўллашда ҳам испан газеталари бутун дунёга машхур бўлган “Мадагаскар” кабилардан фойдаланишганини кузатиш мумкин: *Paz Vega pone la voz española a la última entrega de «Madagascar»* (“ABC”, 21.05.12). Кузатишлар шуни кўрсатдики, испаниялик болалар испан мультфильмларини эмас, балки АҚШ ёки Францияда яратилган мультфильмларнинг испан тилида овозлаштирилган вариантини кўриб катта бўлишар экан.

Испан газета матнларида миллий маданиятни акс эттирувчи, Испания тарихига, мифологик қахрамонларига доир номлар ҳам учраб туради, масалан, *“Como no podía ser de otra manera, Santa Claus se ha ajustado el cinturón que aprieta su oronda triple...”* (“ABC”, 5.01.12).

Мазкур жумлада “Санта Клаус” каби мифологик қахрамон ҳақида сўз юритилади. Бироқ мазкур қахрамон нафақат испан миллати, балки Европанинг бошқа мамлакатлари қахрамони ҳисобланади. Шундай экан, мазкур прецедент номни ҳам тўлалигича миллий хусусият касб этади, дея олмаймиз.

Куйида дунёга машхур бўлган испан ёзувчиси Сервантес номи прецедент сифатида газета матнига бириктирилган. Аммо ўзбек газета саҳифаларидан фарқли равишда, келтирилган мисолда буюк адиб номи қадрланиб эмас, балки у яшаган даврдаги камчиликлар кўрсатилган ҳолда эсланади: *“En tiempos de Cervantes, la parte editorial de la profesión...”* (“ABC”, 9.12.11); Христофор Колумб билан боғлиқ навбатдаги жумлада ҳам юқоридаги каби ҳолни кузатамиз: *“Esas que en tiempos de Colón decían que estaban demaciado lejos”* (“ABC”, 9.12.11).

Ўзбек газеталарида кинофильмлар номининг прецедент сифатида келтирилиш ҳолатини жуда кам кузатамиз. Жуда кам ҳолларда ўзбек киноси тарихига айланган машхур фильмлар номларининг прецедент сифатида матнга бириктириб кетилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин холос: *“Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган тўй “маҳаллада дув-дув гап” бўлди”* (“Даракчи”, 3.11.11)

Юқоридаги барча мисоллардан кўриниб турибдики, Испаниянинг энг йирик нашрларидан ҳисобланган “Эль паис” ҳамда “ABC” газеталарида прецедент ном қўллашда асосан бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига таниш бўлган номлардан фойдаланилади. Бу эса ғарбона рационализмнинг кўринишларидан биридир.

Демак, испан ва ўзбек газеталарида прецедент номларнинг миллий-маданий хусусиятларини мисоллар ёрдамида солиштирилганда, нафақат Ўзбекистон ва Испания журналистикасининг миллий ўзига хослиги, балки Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро тафовутли нуқталари яққол намоён бўлди.

Яъни ўзбек газеталари матнларида, сарлавҳаларида тарихий шахслар номларига катта эътибор берилган. Чунки Шарқда бир удум бор. Ўтган аждодларни доимий хотирлаш, қарияларни иззат-ҳурмат қилиш, уй тўридан жой бериш ва ҳоказо.

Ана шу аънаналар газета матнларидаги прецедент номларнинг қўлланилишида ҳам кузатилади. Испан газеталарида эса кўпроқ халқаро мавзуларга эътибор қаратилган бўлиб, бугунги кун нафаси сезилиб туради.

Испан журналистлари прецедент номдан фойдаланишда, нафақат испан миллатга хос бўлган, балки европа ва америкаликлар ҳам яхши тушуниб етадиган, танийдиган номлардан фойдаланишга кўп эътибор қаратадилар.

Прецедент ифоданинг асар номи ҳамда матндаги ифоданинг ёдга олиниши каби турлари ўқувчиларда янада кенгроқ тасаввур уйғотиш мақсадида қўлланилади. Ўзбек газеталаридаги прецедент ифодаларда маънавий: “*Расулulloҳ (с.а.в.): Таъмагирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказди*” деганлар” (“*Хордиқ*”, 22.12.11), ахлоқий: “*Кўп санъаткорлар “Саҳнада бошиқа одаммиз, ҳаётда бошиқа” дейишади*” (“*Даракчи*”, 25.08.11), тарбиявий: “*Кўнглимизда Ҳамид Сулаймон “панжасига панжа урган” заковатли Олимжон Давлатовга нисбатан миннатдорчилик туйғусини ҳис қилдик*” (“*ЎзАС*”, 4.02.11), руҳий: “*Хурийд Дўстмуҳаммад “Озод изтироб қувончлари” мақоласида ёзувчиларни “инсон қалбининг тадқиқотчилари”, деб атайд*” (“*ЎзАС*”, 18.02.11); адабий мерос: “... уларнинг оҳанраболи сатрлари – “*болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда...*” ёки ўсмир қалбининг мусаффо қўшиғидек янговчи “*Водийларни яёв кезганда... чаппар уриб гуллаган богин... одамлардан тинглаб ҳикоя...*” мисраларини ёзган муаллифни севмаслик мумкин эмасди” (“*Хуррият*”, 24.02.21)га эътибор қаратилса, испан газеталаридаги прецедент ифодаларда кишиларни черковдан четлатишга бўлган ҳаракат “*Existe un proyecto para eliminar a la Iglesia de lo publico*” Antonio Canizares (“*ABC*” 31.07.08), ишқий саргузаштлар “*No estuve enamorada de Diana de Gales*” ex presidente frances” (“*ABC*” 27.03.10), жиноятчиликка қарши кураш “*Encuesta: “¿Quién crees que pagará los platos rotos de los casas de corrupción?”*” (“*ABC*” 25.03.10) каби ғоялар асосий планга олиб чиқилади.

Яна шунини айтиш керакки, ўзбек газеталаридаги прецедент ифодаларда жамиятимиз аъзолари, аждодларимиз, улуғ зотларимиз қарашлари баён этилса, испан газета матнларидаги аксарият цитаталар муаллифлари хорижликлардир.

У жамият аъзолари нутқида бир неча бор такрорланиб туради, кенг омма ўртасида яхши танилади ва мана шу хусусиятлари билан ҳам прецедент бўла олади ҳамда муаллиф томонидан газета матнлари таркибига киритилади.

“*Ўзга юртда давлат қуриб юрт сўраган Бобур Мирзо ҳам “Ўз Ерни қўйиб, Ҳинд сори юзланмоқ”ни “юз қаролик” деб атаган эди*” (“*Даракчи*”, 15.08.13).

Ўзбек газетаси саҳифасида буюк мутафаккир Бобурнинг оммага яхши таниш бўлган машҳур сатрларидан иқтибос келтирилиб, журналист матнига сингдирилган. Маълумки, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур жуда кўплаб шеърый асарлар битган. Лекин унинг айнан мазкур ғазалидаги мисралари ўзбек халқига яхши танишлиги ва яқинлиги билан прецедентга айланган.

“*Esto es no es fácil, no hay que equivocarse. Tranquilidad... Es lo único que no se puede perder... Luis, nada es fácil, pero hacemos los que podemos. Ánimo. Sé fuerte...*”. Cuando Mariano escribía esos SMS a Luis Bárcenas era Rajoy en estado puro” (“*El mundo*”, 21.07.13).

2013 йилнинг ёз ойларида Испания ҳукумати раҳбари Мариано Рахойнинг мамлакатдаги машҳур РР-халқ партияси раҳбари Луис Барсенасга ёзган СМСи қутилмаганда кенг оммага тарқаб кетди. Муаллиф матнига сингдирилган ҳамда газетада чоп этилган СМС матни испан халқи орасида машҳур бўлди, шу сабабдан ҳам мазкур

иктибоснинг газета матнида берилиши ўқувчилар эътиборини жалб этиб, омма онгига тез таъсир этиши табиий.

Испан газеталарида мамлакат тарихида чуқур из қолдирган, атоқли шахслар номининг прецедент ном сифатида қўлланилишини ўзбек газета нашрларидан фарқли ўлароқ фақатгина маданий хабарлар, мақолаларда учратамиз: *“Para los protagonistas he creado unas melodías muy románticas, aunque menos idílicas que las de la temporada anterior debido a los conflictos que viven tanto Isabel como **Fernando**. Y he creado también música para el personaje de **Cristóbal Colón**, soñadora. Idealista y delirante”, asegura Jusid* (“El mundo”, 22.07.13).

Прецедент (ифода) мулоҳазаларнинг қўлланилиши, айниқса, таниқли асарлардан тўғридан-тўғри иқтибос келтирилиши муаллиф матнининг ўқувчига бўлган таъсирини кучайтиришга, ахборотни тушунарли тарзда етказиб беришга хизмат қилади.

Зеро, прецедент феномени муаллиф нуқтаи назарини фактларга бой бўлган ахборот ёрдамида ифодаловчи воситадир. Ундан ташқари прецедент феномени кучли таъсир этиш воситаси ҳамдир.

Испания нашрларидаги сиёсий шарҳ жанрида прецедент мулоҳазаларни кўплаб учратамиз. Муаллифнинг танқидий қарашлари фактлар ёрдамида, сиёсатдонларнинг нуткидан цитата келтириш билан таъсирчанлик касб этади. Испаниянинг машҳур нашрларидан бири “El mundo” газетаси бош муҳаррирининг ҳукумат раҳбари Рахой ҳақидаги қуйидаги сатрлари бунга мисол бўла олади:

“¡Tranquilo! ¡Como siempre! ¡Ya le conocemos!”. Es la consigna que trata de incucar en vena a sus más próximos. “¡He aguntado cosas peores!”. Y he recordado también estos días una frase que me dijo cuando concidí con él en el tanatorio para velar el cádaver de un amigo común: “¡Aguanto todo lo que me echen!” (“El mundo”, 21.07.13).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таниқли асарлардан тўғридан-тўғри иқтибос келтириш, яъни цитата келтириш билан бирга ўша асар номини, қаҳрамонини ҳам айтиб ўтиш матннинг оддий аҳолига ҳам бирдек тушунарли бўлишини таъминлайди.

Газета матнида келтириладиган иқтибослар фақатгина бадиий асарлардан олинган бўлмай, балки кенг оммага яхши таниш бўлган теле ёки радиоэшиттиришлар, кинофильмлардан парчалар ҳам бўлиши мумкин.

“Ўшанда 11 ёшли қизалоқ эдим. Ҳарамда мен тенги жориялар кўп эди. Бир кун мени паранжи-чачвон ёпинтириб яширдилар ва қочириб юбордилар. Кейин Амирнинг жосуслари сезиб қолмасин деб, Ойхон исмимни ўзгартириб, Марям деб атай бошладилар. Ўша-ўша Марям Ёқубова бўлиб қолганман. Шу билан эртагим тамом, болажонлар!..” (“Даракчи”, 15.08.13).

Асардан бир парча олинди, уни журналист ўз фикри билан уйғунлаштириганда эса керакли билимга эга бўлмаган кишилар учун газета матни тушунарсиз ҳолат касб этади.

Прецедент феноменининг лингвомаданий табиати, айниқса, ибора ҳамда мақолларда яққол кўзга ташланади.

Жумладан, ўзбек газеталарида миллатга хос бўлган ҳис-туйғу: *“Қаранг, биттагина кўприк қуриш учун рухсат олиш ҳам жуда мушкул бўлган. Эсласам, **юрагим орқага тортиб кетади**. Бутун ҳосили қаергадир кетадиган, фақат кечирини учун имкон берилган, тарихидан, анъаналаридан, ўзлигидан жудо қилинган бир элни **кўз олдингизга келтиринг-а!**”* (“ХС”, 16.10.15); *“Самарқанд шахрига бориб, хитой тилидан сабоқ берасиз, дейишганида хурсандлигимдан*

бошим осмонга етди” (“Моҳият”, 16.11.12); шукроналик ҳисси: “*Ҳа энди, мен заҳмат чексам, роҳатини болаларим кўрар... Қора қозоним қайнаб турса, шу бахтда*”, деб юрган кишилар эдик...” (“ХС”, 16.10.15); “*Жон омон бўлса, мол топилади. Болагинамга тегмабди-ку газанда! Ўғлимга ўзим тушунтираман*” (“Сўғдиёна”, 28.03.13); миллий анъана ва урф-одатлар: “*Олтиндан йиғсанг ортади, еттидан йиғсанг етади*” деган нақл бор халқимизда. Бир хонадонда қиз фарзанд дунёга келган заҳоти оналаримиз унга сеп йиғишни бошлашади” (“Даракчи”, 17.09.15); “*Қиз узатганга қирқ йил тегма*” мақоли эскирдими? (“Даракчи”, 17.09.15); тарбия: “*Болани бетиға урсанг, бети қотади*”, деганларидек, ҳадеб калтаклаш болани қаҳрли қилиб қўяди” (“Хуррият”, 3.03.21) каби хусусиятларни акс эттирувчи барқанот сўз бирикмалари қўлланилса, испан тилидаги матнларда яхшиликка ишонч: “*La fe mueve montañas pero a más de uno le hubiera gustado que hubiera movido nubarrones*” (“El mundo”, 11.03.18); миллий характер чизгилари, жумладан, қувноқлик: “*Al mal tiempo buena cara y mejor estilo. Es lo que piensan las vips...*” (“El mundo”, 12.01.21); очкўзлик қилмаслик: “*López... o el que mucho abarca poco aprieta*” (“El mundo”, 14.02.12) каби мавзулардаги ибора ҳамда мақоллар қўлланилади.

Прецедент ифоданинг яна бир тури бўлмиш **шиорлар** муайян мақсад ёки ғояга чақириши билан аҳамиятлидир.

Испан ва ўзбек газеталарини кузатиш жараёнида бир қатор материаллар таркибига шиорларнинг киритилганига гувоҳ бўлдик. Шиорларнинг аудитория онгига кучли таъсир кўрсатишдек мақсади борки, бу йўлда энг осон услуб унга миллий ўзига хосликни сингдиришдир.

Жумладан, ўзбек газета матнларида Ватанпарварлик ғояларини илгари сурувчи, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи шиорлар етакчилик қилади: “*Биздан озод ва обод Ватан қолсин!*” (“ХС”, 10.12.11) ёки “*Ватан учун яшайлик!*” (“ЎзАС”, 4.02.11), “*Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!*” (“ХС”, 6.11.11); “*Тил — миллат гурури*” (“Хуррият”, 7.04.21) Испан газеталарида эса шиорлар асосан мамлакатда бўлиб ўтган намоёишлар, норозилик характеридаги бошқа чиқишлар тўғрисида бериб бориладиган материалларда ишлатилади “*...se puede encontrar el Monarca es la manifestación que, bajo el lema "Ni privilegios reales ni gastos militares", han convocado varios partidos...*” (“El mundo”, 2.06.12); “*Él eres tú*” (“El país”, 26.03.21) ва киноя кўринишини ҳам олади: “*Consejería de Educación se gastaba casi dos millones de euros en una campaña de propaganda cuyo lema era "Respetemos y apoyemos a nuestros profesores"*” (“El país”, 4.09.11).

Прецедент матнларга шакли ва мазмуни турлича бўлган мураккаб бирикмалар; лингвомаданий жамият аъзоларининг ҳар бирига тушунарли бўлган, улар томонидан тез қабул қилинадиган, даврлар оша янгиланиб борадиган ифода ҳамда тимсоллар киради (1, 406).

Бадий адабиётлардан парчалар, кўшиқ матнлари, реклама матнлари, сиёсий ва публицистик матнлардан парчалар ҳам **прецедент матнлар**дир.

“*Шоир қизиқ мисол келтиради: “Ғунча оғизлик санами нўшлаб” гўзални кўрсанг, унинг хуш сурати, зебо қадду қомаги кишини лол қолдирса-да, зоҳиран чиройли сурати, зоҳиран чиройли суратдан фарқи йўқ. Лекин агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:*

*Солғуси жинси бани одамга ўт,
Не бани одам, бари оламга ўт.
Ҳар дам этиб эти ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай” (“ХС”, 30.01.16).*

Ўзбек газетасида Алишер Навоийнинг мисраси прецедент матн сифатида келган бўлса, испан газетасидаги ушбу матн сиёсатдон нутқидан олинган: *“Es muy difícil llevar la contraria en España. Llevar la contraria no a los del partido o a los del bando contrario, sino a los que parecería que están en el lado de uno; llevar la contraria sin mirar a un lado y a otro antes de abrir la boca para asegurarse de que se cuenta con el apoyo de los que saben o creen que uno está a su favor; llevar la contraria a solas, a cuerpo limpio, diciendo educadamente lo que piensa que debe decir”* (“El mundo”, 21.07.13).

Прецедент ҳодиса ҳар икки мамлакат газетаси матнида ҳам тимсоллар қўлланилиши фарқланади. Тимсол сифатида эса лингвوماданий жамият вакилларининг онгидан муқим жой эгаллаган пичинг, қочирим, мажозий маънодаги сўзлардан иборатдир.

Жумладан, ўзбек газетасида “нор” ва “ит” тимсол сифатида келиб, киноя воситасида ўқувчига муаллиф кайфияти ва қарашини етказмоқда: *“...Норнинг ит олдидан тиз чўкканини ҳам кўрдик”* (“ЎзАС”, 18.03.11), навбатдаги кесатик орқали эса ўтмишда бўлиб ўтган, муайян лингвوماданий жамият вакилларига маълум бўлган ҳодисага ишора қилинмоқда: *“Ғалати даврларни ҳам кўрдик, пайти келганда қўп қатори “дўмбира”сини ҳам чертдик”* (“ЎзАС”, 18.03.11); *“Тошбақа минган” тезкорлик ёки ўзбекча каломга ўзгача алик?* (“Хуррият”, 23.12.20) сарлавҳаси билан муаллиф аччиқ киноя қилиб, Ўзбекистондаги давлат хизматлари операторларининг сусткашлигига ишора этмоқда.

Испаниялик журналистлар ҳам киноя ва кесатикларни матнга киритишда ўзбек ҳамкасбларидан қолишмайди. Ушбу мисолда “ABC” мухбири Хитойнинг дунё иқтисодида гегемонга айланиб бораётганига ишора қилиб, уни киноявий равишда “глобал фабрика” деб атамоқда: *“De la “fábrica global” procede, precisamente, el 60 % de las importaciones del sector jugador”* (“ABC”, 5.01.12); *“Sigo vivo.... ¿La vida va de esto?”* (“El país”, 16.04.21) кинояси билан журналист пандемия шароитида кучайтирилган давомли карантин туфайли қаттиқ қийналган халқнинг аҳволига ишора этиб, “ҳали тирикман”, дея истехзо қиляпти.

Демак, прецедент номларни қўллашда, ўзбек матбуоти давлат раҳбари ҳамда тарихий шахсларга мурожаат этиб, мазкур турдаги номларни ҳурмат билан тилга олса, испаниялик журналистлар бу борада танкидий руҳда қалам тебратишади. Яъни прецедент номлар камдан-кам ҳолларда шахсни улуғлашга қаратилади, аксинча, ўша одамларнинг муаммо ҳамда камчиликларини ёритади. Ўзбек газеталаридаги прецедент ном миллий, испанларда эса халқаро характерга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради.

Прецедент ифода тури ҳисобланган иқтибосларни танлашда ҳам ҳар икки мамлакат матбуотида бир қанча фарқли жиҳатларни кўриш мумкин. Жумладан, ўзбек газеталаридаги иқтибослар маънавий, ахлоқий, тарбиявий, руҳий, тарихий аҳамият касб этса, испан газета матнларидаги иқтибосларда кишиларни черковдан четлатиш, жиноятчилик, ишсизлик, коррупцияга қарши кураш биринчи планга олиб чиқилган.

Прецедентларнинг мазкур турига кирувчи барқарор бирикмалари, яъни ибора, мақол ҳамда матал қўллашда ҳар икки мамлакат журналистлари одамларни эзгуликка чақириш мақсадини қўйишади. Кузатилган газета матнларидан ўзбек тилидаги барқарор сўз бирикмалари одамлар ҳис-туйғуларини таърифлаш, шукроналикка чақирув, миллий анъаналарга содиқлик, тарбиялаш каби мавзуларни илгари сурса, испан газеталарида яхшиликка ишонч, қувноқлик каби миллат характер чизгилари, очкўзликдан қайтариш каби ғоялар бош планга олиб чиқилган.

Шоир танлашда эса икки давлат журналистлари тили бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ўзбек газеталарида ватанпарварлик ғоялари етакчилик қилса, испанларда бундай анъана мавжуд бўлмай, шиорлар асосан норозилик кайфиятини ифодалаб беради.

Прецедент матн қўллашда ўзбек газеталарида диний ва тарихий адабиётлардан фойдаланилса, испан матбуотида жуда кам ҳолларда диний ва замонавий манбалар журналист материалга киритилади.

Прецедент ходиса сифатида ўзбек журналистлари маҳаллий аҳолига яхши таниш бўлган воқеаларга пичинг, қочирим, мажозий маънодаги сўзлар билан ишора қилса, уларнинг испаниялик ҳамкасблари мазкур ҳолатда кўпроқ халқаро миқёсдаги воқеа-ходисаларга урғу беради.

Прецедент феноменининг лингвомаданий табиати ҳақида сўз кетганда оммавий ахборот воситалари, жумладан, босма ҳамда электрон нашрлардаги сарлавҳаларга эътибор қаратмаслик хато бўлади.

Зеро, яхши сарлавҳа журналистик матн самарадорлигининг асосий омили ҳисобланади. Бугунги ахборот асридаайниқса ўқувчи эътиборини жалб этишда сарлавҳанинг ўрни бекиёс. Сарлавҳа нақадар қизиқарли ва жозибадор бўлса, у ўз ўқувчисини шунчалик тез “ўзига оғдира олади”. Шу сабабдан ҳам гарчи сарлавҳа медиаматн ҳисобланмаса-да, унда прецедент феноменининг кенг қўлланилиши туфайли мазкур масалага эътибор қаратиш зарурдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, журналистик материалга сарлавҳа қўйишда ўзбек ва испан газеталарида турлича ёндашув кузатилади.

Жумладан, ўзбек газеталарида муаллиф (айниқса, таҳлилий ҳамда бадиий-публицистик жанрларда) сарлавҳасининг ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, миллий бўёқдорликка эгаллигига алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, сарлавҳани имкон қадар қисқалигига эришилади. Бироқ замонавий испан газеталари сарлавҳаси муаллиф матнидаги асосий ахборотни бериши зарур. Яъни ўзбек тилидаги нашрларда қисқа ва таъсирчан жумлалар келтирилса (*Санъат камолотга етаклайди* (“ХС”), *Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг* (“Сўғдиёна”), *Ойданда гўзал* (“Даракчи”), *Ифтихор* (“ЎзАС”), испан газеталари сарлавҳаларида кўпроқ сўроқ ёки дарак гаплар (*El comentario político-filosófico de Jesús Calleja que triunfa en Facebook* (“ABC”), *El PSOE confía en que la división de Podemos facilite su abstención* (“El país”), *Un atentado deja al menos 34 muertos y 125 heridos en Ankara* (“El mundo”)) учрайди.

Ҳар икки мамлакат газеталаридаги сарлавҳалар (асосан, таҳлилий (шарҳ) ва бадиий-публицистик (фикр) жанрларида) прецедент феноменининг турли кўринишларини жамлайди:

Прецедент ном: “*Шум бола*” сийлови” (“ЎзАС”, 7.01.11); “*Отандан қолган далалар*” экранга қайтадимми? (“Хуррият”;


3.03.21); “*Ҳар киши “Алпомиш”ни ўқиса...*” (“Хуррият”, 05.02.20); “*Лисон ут-майр*” сари сайр (“Хуррият”, 05.02.20); “*Қодирий даҳоси — ҳаммиша барҳаём*” (“Хуррият”, 28.12.19); *Pablo Iglesias contra Pedro Sánchez* у *Albert Rivera contra Mariano Rajoy* (“ABC”, 1.02.16); “*Francisco Rico: “No leo el ‘Quijote’, ya me lo sé*” (“El mundo”, 2.03.16); «*Lo de James es...*» (“ABC”, 3.03.16); *Los tres mosqueteros de Zidane* (“El país”, 7.03.16); “*Angy Fernández, Andrea Duro... Qué fue de los alumnos de ‘Física o Química*” (“El Mundo”, 28.12.20).

Прецедент ифода – ибора, мақол ва ҳикматли сўзлар: “*Кўрса кўргудай, суйса суйгудай*” (“ЎзАС”, 29.04.11); “*Кўрар кўзлар нури илмдандир!*” (“Сўғдиёна”, 28.03.13); “*Сабр косам, тўлмай тур...*” (“Сўғдиёна”, 7.07.11); “*Тил билмоқ, эл билмоқ*” (“Моҳият”, 16.11.12); “*Биров топиб гапирар...*” (“Моҳият” 26.02.10) “*Иситмаси ошкор қилди*” (“ХС” 12.03.11); “*Вақт – энг олий ҳакам*” (“Даракчи”, 24.10.13); “*Элга хизмат – олий ҳиммат*” (“Моҳият” 12.03.11); “*Фарзанд азиз, одоби ундан азиз*” (“Моҳият” 15.01.11); “*Сўздан сўзнинг фарқи бор*” (“Моҳият” 1.01.11); “*Ҳаракатда баракат*” (“Моҳият” 9.04.11); “*Меҳнатнинг таги роҳат*” (“Моҳият” 26.03.11); “*Умр – оқар дарё*” (“Моҳият” 26.03.11), “*Карвон ўтар – йўл қолар*” (“Моҳият” 16.04.11); “*Ойнинг ўн беши ёруғ*” (“ХС” 13.03.11); “*Қингир ишнинг қийиги*” (“Моҳият” 12.03.11) “*Тўғрилланган ковуш ва очилмай сўлган гул фожиаси*” (“Хуррият”, 29.07.20); “*El Papa agota su luna de miel*” (“El país”, 21.07.13); “*La felicidad también nos rompe el corazón*” (“ABC”, 3.03.16); “*Guti vuelve a caer*” (“ABC” 1.04.11); “*España huele a Semana Santa*” (“ABC” 27.03.11); “*Madrid abre paso al siglo XXI*” (“ABC” 27.03.11); “*Miami alza su voz contra regimen de Castro*” (“ABC” 27.03.11); “*Que los jefes nos miren a los ojos*” (“ABC” 31.07.12); “*Podemos intenta apagar el incendio con el PSOE*” (“El mundo”, 3.03.16); “*Willy Toledo da la «bienvenida» a Otegi con un «Gora ETTA»*” (“ABC”, 2.03.16).

Прецедент ифода – иқтибос: Алишер Навоий ғазалидан иқтибос: “*Мунча гаройибки, мисол айладинг...*” (“ХС”, 3.01.16); Машрабдан иқтибос: “*Бир баҳоре топ, хазони бўлмасун*”; Муҳаммад Юсуфдан иқтибос “*Улуғлардан улуғимсан...*”; Зулфиядан иқтибос: “*Дунё ичра топган дунёмсан...*” (“ЎзАС”, 27.05.11); президентдан иқтибос: “*Биз ўттиз йил шунга интилдик – Президент Жомбойдаги лабораторияда бўлди*” (“ХС”, 15.04.21); испан газеталарида эса сиёсатдонлардан иқтибос: *Pedro Sánchez: “Confío en la inocencia de Besteiro. Si se le abre juicio oral tendrá que dimitir*” (“El país”, 13.03.20); “*Rajoy llama al PP a “mantener la unidad” у “preservar la independencia”*” (“El país”, 12.03.16); иқтисодчилардан иқтибос: “*Álvarez, nuevo líder de UGT: “Que la mayoría de izquierdas trabaje por derogar la reforma laboral”*” (“El mundo”, 14.03.16); “*Francisco González insta a los políticos a “no perder el tiempo”*” (“El mundo”, 13.03.16); “*Rosell: “Cuantos menos empleados públicos haya, mejor”*” (“El mundo”, 10.03.16); спортчилардан иқтибос: “*Garbiñe, entre lágrimas en la derrota: “No quiero jugar más”*” (“El mundo”, 13.03.16).

Прецедент ходиса: “*Очарчилик йилларининг одамлари*” (“Хуррият”, 24.02.21); “*La abogada de Manos Limpias en el caso Nöos se niega a declarar para impedir que graben su voz*” (“ABC”, 1.02.16).

Прецедент феномени турларининг ўзбек ҳамда испан газеталари сарлавҳасида қўллашдаги ўхшашлик ва фарқлар куйидаги диаграммада ўз аксини топган.



Газета сарлавҳалари сингари газета матнларида ҳам андозавийлик ҳамда экспрессивликнинг бирга келишини кўриш мумкин. Агар ахборий жанрдаги материалларда стандартликни кўпроқ учратсак, таҳлилий ҳамда бадий-публицистик жанрларда таъсирчанликка урғу берилганининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида айтилганидек, сарлавҳа муаллифнинг миллати, дунёқараши ҳамда қомусий билимларини акс эттирувчи омиллардан биридир. Шу сабабдан ҳам ўзбек ва испан газеталари сарлавҳаларида прецедент феноменининг турли кўринишларига амин бўлдик.

Ҳар икки мамлакат газеталаридаги сарлавҳаларда ҳам барқанот бирикмалар ўз ўрнида қўлланилган. Эътибор берсак, муайян маданият вакили келтирилган ибора ёки мақолларни гарчи ярми берилган бўлса-да, давом эттира, ёки мазкур бирикмаларнинг бошини эслай олади. Демак, ибора ҳамда мақоллар миллат онгига синган, маданиятининг бир бўлаги бўлгани учун ҳам сарлавҳада яхши самара беради.

Испан газеталарида гарчи ўзбек нашрлари каби мақоллар кўп учрамаса ҳам, уларнинг ўрнини иборалар тўлдирганининг гувоҳи бўлдик.

Иқтибосларни сарлавҳада беришда ҳар икки мамлакат газеталарининг ўз услуби бўлиб, испан нашрлари сарлавҳада асосан сиёсатдонлар, иқтисодчилар, спортчилардан иқтибослар келтирилса, ўзбек газеталарида иқтибос келтиришда тарихий шахслар ва уларнинг асарларига урғу берилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в текстах политического дискурса // Язык средств массовой информации: Учебное пособие для вузов/ Под.ред. М.Н.Володиной. — М.: Академический проект, 2008. — С. 401–418.
2. Журавлева Е.В. Испанский газетный текст как источник национально- культурной информации (на материале пиренейского и колумбийского национальных вариантов). Дисс. канд. филол. наук. — М., 2006. — 221 с.

3. Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б., Багаева Д.Б. Прецедентное имя и прецедентное высказывание как символы прецедентных феноменов // Язык, сознание, коммуникация. — М., 1997. Вып. 1. — С. 82–103.
4. Караулов Ю.Н. Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности // Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы. Доклады советской делегации на VI конгрессе МАПРЯЛ. — М.: Русский язык, 1986. — С. 98–107.
5. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. — М., 2002. — 80 с.
6. Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации. — Екатеринбург, 2007. — 207 с.
7. Седых А.П. Языковая личность и этнос (национально-культурные особенности коммуникативного поведения русских и французов). — М.: Компания Спутник, 2004. — 37 с.
8. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида.): Филол.фан.докд-ри.диссер. — Т., 2012. — 147 б.
9. Худойберганаева Д.С. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. — Т.: Фан, 2013. — 83 б.

References

1. Gudkov D.B. *Precedentnyye fenomeny v tekstakh politicheskogo diskursa* (Precedent phenomena in the texts of political discourse), Moscow: Akademicheskii proekt, 2008, p. 401-418.
2. Zhuravleva E.V. *Ispanskii gazetnyi tekst kak istochnik natsional'no-kul'turnoi informatsii: Na materiale pireneiskogo i kolumbiiskogo natsional'nykh variantov* (Spanish Newspaper Text as a Source of National and Cultural Information), candidate's thesis, Moscow, 2006, 221 p.
3. Zakharenko I.V., Krasnykh V.V., Gudkov D.B. *Yazyk, soznanie i kommunikatsiya* (Language, Consciousness and Communication), Issue 1, Moscow, 1997, pp. 82–103.
4. Karaulov Yu.N. *Nauchnye traditsii I novye napravleniya v prepodavanii russkogo yazyka i literatury. Doklady sovetskoi delegatsii na VI kongresse MAPRYAL* (Scientific Traditions and New Directions in Teaching Russian Language and Literature. Reports of the Soviet Delegation at the VI Congress of MAPRYAL), Moscow: Russkii yazyk, 1986, pp. 98–107
5. Krasnykh V.V. *Etnopsikholingvistika i lingvokul'turologiya: Kurs lektsii* (Ethnopsycholinguistics and Linguoculturology: A course of lectures), Moscow, 2002, 80 p.
6. Nakhimova E.A. *Precedentnyye imena v massovoi kommunikatsii* (Precedent Names in Mass Communication.), Ekaterinburg, 2007, 207 p.
7. Sedykh A.P. *Yazykovaya lichnost' i etnos* (Language Personality and Ethnos), Moscow: Kompaniya Sputnik, 2004, 37 p.

8. Teshabaeva D.M. *Ommavii akhborot vositalari tilining nutk madaniyati aspektida tadkiki, Uzbekiston Respublikasi OAV misolida* (Research in the Aspect of Speech Culture of Media Language. On the Example of the Media of the Republic of Uzbekistan), Doctor's thesis, Tashkent, 2012. 147 p.
9. Khudoiberganova D.S. *Matnning antropotsentrik tadkiki* (Anthropocentric Research of the Text), Tashkent: Fan, 2013. 80 p.